

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МАНСУРОВА ГУЛИ БАХАДИРОВНА**

**ҚЎШМА НУР ТЕРАПИЯСИДАН КЕЙИН БАЧАДОН БЎЙНИ  
САРАТОННИ ҚАЙТАЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**

**14. 00. 19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мансурова Гули Бахадировна**

Қўшма нур терапиясидан кейин бачадон бўйни  
саратонини айталанишига таъсир этувчи омиллар..... 3

**Мансурова Гули Бахадировна**

Факторы, влияющие на рецидивирование рака  
шейки матки после сочетанной лучевой терапии..... 21

**Mansurova Guli Bakhadirovna**

Factors influencing the recurrence of cervical  
cancer after combined radiation therapy..... 41

**Эълонқилинганишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МАНСУРОВА ГУЛИ БАХАДИРОВНА**

**ҚЎШМА НУР ДАВОДАН КЕЙИНГИ БАЧАДОН  
БЎЙИЎСМАСИНИНГ ҚАЙТАЛАНИШИГА ТАЪСИР  
ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Tib1095рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Тилляшайхов Мирзагалеб Нигматович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Зарединов Дамир Арифович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Султанов Саидазим Насырович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Бухоро Давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш, Фароби, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)) Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100110, Тошкент ш, Фароби, 383. Тел.: (+99871) 2271327; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.А. Гафур-Ахунов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашилмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертация (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда бачадон бўйни саратони (ББС) билан юқори даражада касалланишнинг репродуктив ёшдаги аёллар орасида ўсиб бораётганлиги ва касалликнинг кеч муддатларда баҳолаш ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра ҳар йили дунёда бачадон бўйни саратонидан 270 минг аёллар вафот этади ва бу кўрсаткичнинг 85% ижтимоий жиҳатдан қолоқ мамлакатлар ҳисобига тўғри келади. Ҳалқаро акушер-гинекологлар федерацияси маълумотларига кўра «...бемор аёлларнинг 25% даво муолажалари олганидан бир йил ўтиб касаллик хуруж қилганлиги туфайли аҳволи оғирлашиб вафот этган ва касаллик бирламчи босқичда тўлиқ даволанмаган ёки регионар ва ўчоқли метастазлар ривожланган...»<sup>1</sup>. Бачадон бўйни саратони касаллигида бошқа органлардаги метастазлар ичида тарқалиш даражаси бўйича парааортал лимфа тугунларида-31,2%, ўпкада-16,1%, суякларда эса 12,9% ниташкил қилганлиги нур ташхислаш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда кўшма нур терапиясидан кейин бачадон бўйни саратонини қайталанишига таъсир этувчи омилларини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада бачадон бўйни саратони билан хасталанган беморларнинг даволашдан олдинги клиник хусусиятларини, кўшма нур терапиясидан сўнг қайталаниш мавжудлиги ёки йўқлиги, беморларни дистанцион ва бўшлиқ ичи нурлантириш стратегияси ишлаб чиқиш билан биргаликда саратон ривожланиши ва қайталаниш кўшимча нур терапиясидан сўнг башорат қилиш алгоритми асосида даволаш тартибини илмий асослаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида хавfli ўсма касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олиш борасида тиббиёт ходимларига бугунги кунда қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда кўшма нур терапиясидан кейин бачадон бўйни саратонини қайталанишига таъсир этувчи омилларини камайтириш, аёллар орасида касалликларни ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

<sup>1</sup>Максимов, С.Я. Химиолучевая терапия рака шейки и рака тела матки / С.Я. Максимов, Л.Д. Гусейнов, С.Б. Баранов // Практическая онкология. – 2018. – Т.9, № 1. – С. 39-46

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

**Тадқиқотнинг республика фанватехнологияларивожланиши–нингустуворйўналишларгамослиги.** Мазкуртадқиқот республика фанватехнологияларивожланишининг VI. «Тиббиётва фармакология» устуворйўналишигамувофиқбажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қўшма нур терапиясидан сўнгбачадон бўйни саратонининг жаррохлик йўли билан даволаш, такрорий нур терапия ва паст самарали кимётерапия сабабли онкогинекологиянинг жуда қийин муаммосидир (Киселева Е.С., 2009). Бачадон бўйни саратонининг маҳаллий кенг тарқалган жараёнларини даволашнинг асосий усули қўшма нур терапияси ханузгача узлуксиз такомиллаштириш жараёнида ҳисобланади. Барча жабҳаларда узоқ муддатли ривожланиш натижалари норозилик уйғотмоқда. Нур терапия даволаш усули ва воситаларининг мавжуд арсенали аёлларда ушбу касалликнинг қайталаниши ва метастазларини ривожланишини кафолатламайди. Беморларнинг узоқ муддатли омон қолиш муаммолари ва малигнизация неоплазмаларнинг такрорланиш жараёнлари бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Бир қатор ишларгина (Piijas Marijan et al, 2012; Okawa Tomoniko, 2015) бачадон бўйни саратонининг III босқичида қўшма нур терапиясидан сўнг жаррохлик усули ёрдамида ҳаттоки кичик чаноқ аъзолари экзентерациясигача беморларни аҳолини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мувафакиятсиз яқун топган(Гогодзе Д.Г., 2006; Тилляшайхов М.Н., Захирова Н.Н., 2019).Бугунги кунда радиацион технология, дозиметрияни қўллаб- қувватлаш ва миқдори фракцион миқдорларни турли хил вариантларини жорий қилиш ва радиомодификаторларни қўллаш ҳам бачадон бўйни саратонини даволашда самарасиз ҳисобланмоқда (Бежанова, Е.Г., 2017). Беморларнинг 30% дан 40% гача қисми касалликнинг ривожланиши ва метастазларнинг ривожланишидан биринчи йиллардаёқ вафот этади (Канаев С.В., 2018).Хорижий адабиётларда сўнги маълумотларга кўра, бачадон бўйни саратони билан хасталанган беморларни 5 йиллик омон қолиш даражаси 65%ни ташкил қилади ва ўсимта тарқалиши жараёнига қараб 15 дан 80% гача ўзгариши мумкинлиги, шунингдек, II босқичда 5 йиллик омон қолиш

даражаси 48-63%ни, III A-35-44%, III B босқичда - 12-31,5% ни ташкил қилади (Киселева М. В., Крикунова Л. И., 2013). Бачадон бўйни саратонининг маҳаллий кенг тарқалган жараёнларини даволашнинг асосий усули бўлиб қўшма нур терапияси ҳисобланиб, ушбу кунгача бу усул такомиллашиб бормоқда. Барча йўналишлар ривожланиши ушбу усулнинг узок муддатли натижаларидан норози ҳисобланади.

Ўзбекистонда бачадон бўйин касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда, бачадон бўйни патологиясини эрта ташхислаш ва олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган (Д.Ю.Юлдашаева, 2017; Захирова Н.Н., 2018; Нишанов Д.А., 2018) бироқ, қўшма нур терапиясидан кейин бачадон бўйни саратонини қайталанишига таъсир этувчи омилларини такомиллаштириш қаратилган ишлар бажарилмаган.

Нур терапия даволаш усули ва воситаларининг мавжуд арсенали аёлларда ушбу касалликнинг қайталаниши ва метастазларини ривожланишини кафолатламайди. Беморларнинг узок муддатли омон қолиш муаммолари ва малигнизация неоплазмаларнинг такрорланиш жараёнлари бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Шу муносабат билан нур терапия самарадорлигини ошириш муҳим вазифа бўлиб, бу биринчи навбатда қўшма нур терапиядан сўнг бачадон бўйни саратонининг ва қайталанишини башарот қилувчи омилларни ўрганиш билан боғлиқдир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №5.3.10. «Турли хил жойлашувдаги хавфли ўсмаларни комплекс ва қўшма даволашда қўшма нур терапиясининг самарадорлигини баҳолаш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2014-2018) йй.

**Тадқиқотнинг мақсади** қўшма нур терапияси қабул қилгандан сўнг бачадон бўйни саратони қайталанишига таъсир қилувчи омиллар таъсирини камайтиришга қаратилган даволаш тартибини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бачадон бўйни саратони билан касалланган беморлар ҳолатини ва даволашдан олдинги клиник хусусиятларини баҳолаш;

бачадон бўйни саратонини қайталанишига таъсир қилувчи омилларни қўшма нур терапиясидан сўнг қайталаниш мавжудлиги ёки йўқлиги билан гуруҳларда қиёсий таҳлил қилиш, ушбу омилларнинг бачадон бўйни саратони билан касалланган беморларнинг ҳаётига таъсирини баҳолаш;

бачадон бўйни саратонининг қайталаниш шаклида беморларни дистанцион ва бўшлиқ ичи нурлантириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш;

бачадон бўйин саратонининг ривожланишга олиб келувчи омилларнинг далилларга асосланган тиббиёт нуктаи назаридан баҳолаш;



бачадон бўйни саратонига чалинган беморларга қайталаниш ривожланишини ҚНТ сўнг башорат қилиш алгоритми асосида даволаш тартибини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2002-2018 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази бачадон бўйни саратони билан хасталанган радиология бўлимига госпитализация қилинган ва даволанган 160 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида қайталаниш ривожланишида таъхислаш ва башорталаш мезонларини нур таъсирида кичик чанокда жойлашган ўсма жараёни, унинг хажми, тарқалиш даражаси, лимфа тўқималар, бачадон бўйин саратониматериаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда ўсмаларнинг жараёни органларга тарқалишини баҳолашда магнит резонанс томография, мультиспирал компьютер томография, доплерография, рентгенография, морфологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

қўшма нур терапияси ўтказилган беморларнинг параметрал тўқималар, ёнбош лимфа тугунлари ва бачадон бўйнида ўсма асоратларини қайталанишига олиб келадиган морфологик белгиларининг салбий эндофитли даражасини ривожланишга олиб келиши исботланган;

ясси хужайрали мугузланувчи бачадон бўйни саратонида аралаш ўсишида бачадон танасига ёки парааортал лимфа тугунларига метастаз берганда  $51 \text{ см}^3$ - $100 \text{ см}^3$  ўлчамдаги ўсма ҳажмида нурли даволаш таъсирига биноан касалликнинг қайталаниш хавфи нибатан камайиш даражаси исботланган;

рецидивнинг юқори хавфига бачадон бўйнининг без-ясси тўқимали саратонига чалинган ёки нохуш ўсиш кўрсаткичларига эга-эндофит ва  $101 \text{ см}^3$  дан юқори ҳажмли аденокарцинома билан хасталанган беморлар мойиллиги, қайталанишни бартараф этишда ёрдамчи даволаш тартибини нур терапиясини бошлашдан олдинги самараси исботланган;

қўшма нур терапияси ўтказилган беморларнинг нур билан даволашдан олдин иммунокоррекция, витаминотерапия ва гемоглоблин миқдорини даврий равишдан назоратини биргаликда олиб бориш зарурлигикасалликнинг олдини олишдаги корреляцион ишончли ўрни исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

касалликни қайталанишини башоратлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

амалиёт шифокорларига даволаш самарадорлигини яхшилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

қайталанишни камайтириш ва бачадон бўйни саратони билан хасталанган беморларни ҳаёт тарзини яхшилашга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

даволаш тактикасини ўз вақтида коррекция қилиш ҳамда қўшимча текширувларсиз ўтказиши баҳоланган;

бачадон бўйни касаллиги қайталанган беморларни диспансер кузатувини ташкиллаштириш учун катта аҳамиятга эга эканлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган исботланган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, нур ташхислаш тизими, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган инструментал, морфологик ва статистик усуллар асосида қўшма нур терапиясидан кейин бачадонбўйни саратониникайталанишига таъсир этувчи омилларининг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бачадон бўйин саратонида қўшма нур терапияси қўлланилишида замонавий технологик билимларини кенгайтириш, безли-ясси хужайрали бачадон бўйни саратон ёки аденокарцинома эндофит ва без ҳажмининг ортиши оқибати юзага келадиган салбий ўзгаришлар ва беморлар умрни камайтиришга қаратилган нурли даволаш тартибини назарий механизмлари яратиши тартиби такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қайталанишни башорат қилиш учун ишлаб чиқилган алгоритм амалиёт шифокорига қўшимча тадқиқотларсиз ўз вақтида терапия коррекциясини ўтказиш, касалликнинг қайталанишини олдини олиш чораларини кўришга имкон бериб, беморлар диспансер кузатувини ташкил этиш, қайталанишларни камайтириш ва даволаш натижаларини яхшилаш, хаёт тарзини яхшилаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қўшма нур терапиясидан кейин бачадон бўйни саратонини қайталанишига таъсир этувчи омилларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олинган илмий натижалар асосида «Аралаш нур терапиясидан кейин бачадон бўйни саратонини қайталаниши» услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 12 декабрдаги 8н-р/191 маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма аралаш нур терапиясидан кейин бачадон бўйни саратонини қайталаниши эрта ташхислаш ва даволаш алгоритми асосида асоратларни олдини олиш имконини берган;

олинган илмий натижалар қўшма нур терапиясидан кейин бачадон бўйни саратонини қайталанишига таъсир этувчи омилларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар онкология диспансери торакоабдоминал онкология ва РИОваРИАТМ Каракалпакистон Филиали радиоология бўлимлари амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги № 8н-3/156 маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши нур ташхиси усулларнинг етарли ҳажмини танлаб олишни оптималлаштириш, самарадорлигини ошириш ва қўшма нур терапиясидан

кейин бачадон бўйни саратонини қайталанишига таъсир этувчи омилларни башоратлаш ҳамда касалликнинг асоратларни камайтириш имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 96 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикасидаги фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бачадон бўйни саратони қайталанишини нур ташхислаш ва даволаш самардорлигини замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг шарҳи келтирилган. Бачадон бўйни саратонининг этиологияси, патогенези, асоратлари ва даволашдаги нуқсонлар натижасидаги рецидивланишида қўшма нур терапияни самардорлигини баҳолашга бағишланган. Шунингдек, мазкур муаммо юзасидан ечилмаган ва аниқлик киритиш зарур жиҳатлар белгиланган.

Диссертациянинг «**Қўшма нур терапиясидан кейин бачадон бўйни саратонини қайталанишига таъсир этувчи омилларини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалларнинг умумий тавсифи берилган ва тадқиқот усуллари аниқланган. Тадқиқот 2002-2008 йиллар мобайнида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг радиология бўлимида госпитализация қилинган бачадон бўйни раки билан 160 нафар аёлларни текшириш ва даволашга асосланади.

Бачадон бўйни раки билан беморларни барчаси морфологик текширув маълумотлари билан тасдиқланган эди. Бачадон бўйни саратони рецидивланишига кўра беморлар 2 гуруҳга бўлинди. Адекват натижаларни

олиш мақсадида текширилувчи гуруҳларга солиштирма ёш, ижтимоий келиб чиқиши ва касалликнинг босқичига қараб беморлар танланди.

Солиштирма гуруҳни 80 (50,0%) нафар бачадон бўйни саратони билан касалланган, комбинирланган даводан сўнг 5 йилгача рецидив кузатилмаган беморлар ташкил этди. Асосий гуруҳни эса 80 (50,0%) нафар бачадон бўйни саратони билан касалланган, комбинирланган ва комплекс даводан сўнг турли муддатлардаги кузатувда (3 ойдан 5 йилгача) бачадон бўйни саратони рецидиви аниқланган беморлар ташкил этди.

Асосий гуруҳдаги беморларда солиштирма гуруҳдагига нисбатан T<sub>3</sub> ва T<sub>4</sub> босқич кўпроқ учрайди, бу эса солиштирма гуруҳга нисбатан ўсма жараёнини маҳаллий тарқалиш хусусияти ва тез рецидив бериш эҳтимолияти кўпроқлигидан далолат беради (1–жадвалга қаранг). Бачадон бўйни саратони ташхисини қўйиш учун комплекс текширув усуллари ва бачадон бўйнининг патологик соҳасидаги биоптатнинг гистологик верификациясига асосланиб қўйилди.

### 1-жадвал

#### Асосий ва солиштирма гуруҳдаги ўсма жараёнини TNM бўйича тарқалиш даражаси

Босқич	Асосий гуруҳ (n=80)		Солиштирма гуруҳ (n=80)		χ <sup>2</sup>	P
	абс	%	абс	%		
T <sub>2</sub> N <sub>0</sub> M <sub>0</sub>	3	3,8	14	17,5	7,96	<0,01
T <sub>2</sub> N <sub>1</sub> M <sub>0</sub>	12	15,0	13	16,3	0,05	>0,05
T <sub>3</sub> N <sub>0</sub> M <sub>0</sub>	19	23,8	10	12,5	3,41	>0,05
T <sub>3</sub> N <sub>1</sub> M <sub>0</sub>	35	43,8	20	25,0	6,23	<0,05
T <sub>4</sub> N <sub>0</sub> M <sub>0</sub>	11	13,8	3	3,8	5,01	<0,05
Жами:	80	100,0	80	100,0	-	-

Барча бачадон бўйни саратони билан беморларда куйидагилар ўтказилди: тўлиқ анамнез йиғиш, умумий кўрик, регионар метастазларни пайпаслаш, кичик чаноқ аъзоларини бармоқ билан текшируви (per rectum, per vaginum), кўзгу билан текширув, цистоскопия, ректоманоскопия, рентгенологик текширув, кольпогистероскопия биопсия билан (кўрсатма билан), қон, сийдик, биокимёвий кўрсаткичларнинг клиник текшируви, КТ-текшируви даволанишгача ва даволанишдан кейин ва агар зарурат туғилса кўрсатмага кўра текширувлар қайтарилди.

Беморларга яқин соҳа мутахассислардан уролог, проктолог, шунингдек терапевт ва анестезиолог-реаниматолог кўриги ўтказилди.

Диссертациянинг «Беморлар ҳолатинингкўшма нур терапиядан кейинги ўзига хос жихатлари» деб номланган учинчи бобида тузилишнинг морфологик структурасини таҳлил қилиниб, шуни аниқлаш мумкинки, асосий гуруҳнинг 56,3% беморларда саратоннинг эрта рецидивланиш ва кенг гематоген хусусиятли, салбий оқибатли, шунингдек, лимфоген метастазланадиган ва нур терапияга чидамли шаклларида ташкил топган.

Беморларнинг 14 (17,5%) нафари ясси хужайрали мугузланмайдиган ракида аралаш нур терапиядан кейин рецидив турли муддатда 4 йилдан 5 йилгача ривожланди, улардан 4 (28,6%) нафари 5 йилдан зиёд яшади. Шунингдек, асосий гуруҳнинг 6 (7,5%) нафарида паст дифференцирланган саратон билан, 15,0% ҳолатда бачадон бўйни саратонининг ясси хужайрали шаклида рецидивланиш фоизи пастдир (2-жадвалга қаранг).

### 2-жадвал

#### Кузатилаётган беморларда бачадон бўйни саратонининг морфологик шакллари

Морфологикшакли	асосий гуруҳ (n=80)		солиштирма гуруҳ (n=80)		χ <sup>2</sup>	P
	абс	%	абс	%		
Яссихужайралимугузланмайдигансаратон	14	17,5	26	32,5	4,80	<0,05
Яссихужайралимугузланадигансаратон	21	26,3	18	22,5	0,31	0,581
Паст дифференцирлангансаратон	6	7,5	21	26,3	10,03	<0,01
Аденокарцинома	24	24,0	10	22,2	7,32	<0,01
Яссихужайрали-безлисаратон	15	15,0	5	11,1	5,71	<0,05

Беморларни МРТ да текширилгандақинда тарқалиши 63,8% ҳолатда, бачадонтанасига 73,8%, ёнбош соҳаси лимфа тугунларинингметастатикзарарланиши 32,5% ҳолатлардакузатилди (3-жадвалга қаранг).

### 3-жадвал

#### Беморларни МРТ да текширилгандаўсманингатроф тўқималарга тарқалишхусусияти

Ўзгаришлархусусияти	Асосий гуруҳ(n=80)		Солиштирма а гуруҳ(n=80)		χ <sup>2</sup>	P
	абс	%	абс	%		
Қинда тарқалиши	51	63,8	43	53,8	1,65	>0,05
Бачадонтанасига тарқалиши	59	73,8	37	46,3	12,60	<0,001
Ёнбош соҳаси лимфа тугунларинингметастатикзарарланиши	26	32,5	23	28,8	0,26	>0,05
Парааортал лимфа тугунларинингметастатикзарарланиши	7	8,8	2	2,5	2,94	>0,05
Қиннингпастки 1/3 қисмига метастаз	9	11,3	0	0,0	9,54	<0,01

Парамагнетикани ўсма тўқимасига тўпланиши	80	100	80	100	-	-
---	----	-----	----	-----	---	---

Изох: \* - назорат гуруҳи кўрсаткичлариганисбатан фарқ аҳамиятли (\*\*\*) -  $P < 0,001$

Рецидив билан кузатиладиган беморларнинг МРТ да аниқланишига кўра, ўсмани атроф тўқима-асосан қинга, бачадон танасига тарқалиши аниқланди. Беморларнинг кўпчилигида (70,0%) рецидив ланишида эндифит ўсиш шакли кузатилди (4-жадвалга қаранг).

**4-жадвал**

### Кузатиладиган беморларда ўсманинг ўсиш хусусияти

Ўсиш тип	Асосий гуруҳ		Солиштирма гуруҳ		$\chi^2$	P
	абс	%	абс	%		
Экзофит	10	12,5***	46	57,5	35,60	$0 < 0,001$
Эндифит	56	70,0***	24	30,0	25,60	$0 < 0,001$
Аралаш	14	17,5	10	12,5	0,78	$> 0,05$

Изох: \* - назорат гуруҳи кўрсаткичлариганисбатан фарқ аҳамиятли (\*\*\*) -  $P < 0,001$

Даволаниш гача ўсма ўлчамини баҳолашда: ўртача ўлчам солиштирма гуруҳдаги беморларганаисбатан асосий гуруҳдаги беморларда кам. Ўсманинг ўртача ҳажми солиштирма гуруҳдаги беморларда 55,6% ( $P < 0,001$  юқори ишончлилик даражасида) га асосий гуруҳдаги ганаисбатан кам эканлиги кузатилди (5-жадвалга қаранг).

Кўшма нур терапия 2 босқичда олиб борилди: 1 босқич ДТГТ ва 2 босқич бўшлиқ ичи брахитерапияси ҳисобланади. ДТГТ ни замонавий даражада самарали ўтказишда беморни нур олди тайёргарлиги муҳим омил ҳисобланади. Нур олди тайёргарликнинг асосий таркиби бачадон бўйни ўсмаси тарқалишининг тўлиқ ташхисотидир.

**5-жадвал**

### Даволаниш гача кузатиладиган беморларда ўсма ўлчами ва ҳажми

Гуруҳлар	Узунлиги, мм	Қалинлиги, Мм	Кенглиги, мм	Ҳажми, см <sup>3</sup>
Асосий	62,3±1,8***	51±1,6***	54,2±1,5***	90,1±2,3***
Солиштирма	57,6±2,1***	49,1±1,2***	51,3±1,3***	75,9 ±2,2***
Ю.Л. Скрыпкин буйича, меёр, (1997)	27-47	26-35	26-37	9,5-31,7

Изох: \* - назорат гуруҳи кўрсаткичлариганисбатан фарқ аҳамиятли (\*\*\*) -  $P < 0,001$

Топометрияда КТ ва ультратовуш текширувлардан фойдаланиб ўсма жараёнининг тарқалиши ҳақида, яъни босқич ва ҳажм жихатдан анатомо-топометрик маълумот олинади ва нур бериш усули танланади. «Simview NT» симуляторидан нур бериш режалаштирилди, юқори чегараси ёнбош суяги қаноти бўйлаб, пасткиси қов пастки қирғоғи бўйлаб (қуймиш қосасини пастки



кирраси), ёндан чанокҳалқасидан 1см ичкарида белгиланди. Нур майдони белгилаб олингандан сўнг майдонга бериладиган нур дозаси, изодозанинг тарқалиши, ютилган дозанинг аъзоларга (сийдик пуфаги, тўғри ичак) хавфи белгиланди

Нур микдорихисоби Канаданинг «VDS-Nordion» фирмасининг «Тераплан» режалаштирувчи тизими орқали олиб борилди. Кичик чанок аъзоларига (бачадон бўйни, бачадон танаси, чанок лимфа тугунлари) суммар нур дозаси 20-24 Гр гача етказилди, бунда ўсма жараёни тарқалишининг камайиши, параметрал тўқимадаги инфилтрациянинг камайишига эришилди. Нурларни 2 та қарама-қаршиёки 4 та статик майдондан берилди (бокс-техника). Нур бериш  $Co^{60}$  манбали гамматерапевтик аппарат ёрдамида ўтказилди. Суммар доза 20 Гр га етганда беморга брахитерапия сеанси бошланди. Брахитерапия учун «Varian» фирмасининг «Gamma-Med» аппаратида фойдаланилди. Мазкур аппаратнинг режалаштирувчи тизими «Abacus» дир. Изодоз майдон қуйидагича тақсимланди бир марталик доза аппликатордан 2 см масофада жойлаштирилди. Брахитерапия ҳафтада 2 марта суммар доза 45 Гр гача етгунча ўтказилди. ДТГТ дан суммар доза 20 Гр га етганда параметрий соҳасига ҳам ҳаракатлантирувчи майдон остида нур бериб бошланди. Бунда параметрал клетчатка ва лимфа тугунлар статик режимда 2 қарама-қарши майдон бўйлаб 48-50 Гр гача нурлантирилди.

Мазкур метракольпостатнинг дозиметрик вазифаси ҳам мавжуд бўлиб, бу ўсманинг ўлчами ва цервикал каналнинг узунлиги ҳамда бачадон танаси ўлчамига боғлиқ ҳолда ушбу метрокольпостат танланади. Фаол позициялар бир-биридан 1 ёки 0,5 см масофада жойлаштирилган. Кичик чанок аъзолари компьютер томографияси, қовуқ контрастли томографияси билан бирга қилинганда дозанинг тақсимланиши шундай кўринишда бўлдики, нурланувчи объектда локал дозанинг юқорига кўтарилганини кўриш мумкин. Ўсмага яқин аъзолардаги кобальт манбали нур дозаси сезиларли камайишини кўриш мумкин. Қўшма нур терапияси билан жараёнида ўткир токсик реакциялар кузатилмади. Қўшма нур терапияси мобайнида тузилмавий ўзгаришлар, оғирлик даражалари ва маҳаллий ҳамда умумий токсик асоратлар аниқланмади. Асосий ҳамда солиштирма гуруҳларда нур асоратлари бир хил муддатда, яъни суммар ўчок дозаси 20 Гр га етганда ривожланди. Иккала гуруҳда ҳам RTOG шкаласи бўйича III-IV даражадаги оғир асоратлар кузатилмади. Барча асоратлар комплекс реабилитацион терапия ёрдамида бартараф этилди. Ушбу расмда нур олиш хавфи бўлган аъзолар (сийдик пуфаги ва тўғри ичак) нинг нурланиш дозасини аниқлаш мумкин (1 ва 2-расмларга қаранг).

Қўшма нур терапиясининг терапевтик самаралигини клиник баҳолаш қуйидаги мезонлар бўйича ўтказилди: бир йилдан беш йилгача кузатишнинг бевосита ва узоқ натижалари; касалликнинг қайталаниши ва унинг пайдо бўлиш муддати; нур терапиясини ўтказиш мобайнида ва тугагандан сўнг юзага келадиган эрта ва кечки нур реакциялари. Кузатилган беморларда ўсма ўлчами ва ҳажми даволанишдан олдин ва кейинги кўрсаткичлар динамикада ўрганилганда солиштирма гуруҳдаги беморларда регрессия 10,8 ни, асосий

гурухдаги беморларда эса 1,9 ни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, регрессияни самараси кўшма нур терапиядан сўнг рецидивларнинг юзага келишида прогностик мезон ҳисобланади.




1-расм. Флетчераппликаторида изодознинг тақсимланиши. Марказий апликатор бачадон бўшлиғига ўрнатилган. Бачадон бўйнига 2та овалсимон қўйилган. Тўғри проекцияда.

2-расм. Флетчераппликаторида изодознинг тақсимланиши. Марказий апликатор бачадон бўшлиғига ўрнатилган. Бачадон бўйнига 2та овалсимон қўйилган. Ён проекцияда.

Ўсма ўлчами ва ҳажмини динамикадаги таҳлилида даволанишгача ва ундан кейин кузатилган беморларда шуни кўрсатадики, солиштира гурухдаги беморларда даволанишдан сўнг ўсма ҳажми 50 см<sup>3</sup> дан кам, асосий гурухда эса 4 мартаба юқори эканлиги аниқланди. 4 (5%) нафар беморда ўсма ҳажми 101 см<sup>3</sup> дан катта ҳолатда қолди, яъни тузалиш кузатилмади. Параметрал клетчаткадаги ўсма инфильтрацияси III босқичдаги беморларда қайта кўрик пайтида аниқ чегарасини йўқотди, резорбция 40-50% гача етди. Тўлиқ инфильтрация ҳолати доза 40 Гр га етганда кузатилди.

Кўшма нур терапияси самарадорлигини 2 ойдан сўнг баҳолаганда саратон жараёнини кенгайтириши ҳисобига яхши натижа бермаганлиги аниқланди. Асосий гурухнинг 68,8% ва таққослама гурухнинг 76,3% ҳолатларида тўлиқ регрессия кузатилди (4-расмга қаранг).





#### **4-расм. ҚНТни самарадорлишгини баҳолашнинг ЖССТ бўйича таснифи**

Диссертациянинг «Бачадонбўйнисаратонининурбиландаволангандан сўнгкайталанишигатаъсирқилувчи прогностик омилларнианиқлаш»деб номланган тўртинчи бобида исботланган тиббиёт нуктаи назариданнурбиландаволашдан сўнгбачадонбўйнисаратоникайталанишҳавфиваимкониятинибаҳолаш кўрибчиқилган. Тиббиёт асосийсаволлари -бухавфни математик усулларқўллашхисобигашифокорларнианъанавий кўникмалариникучайтиришданиборат.Текширишларимизда тўғри ёндашув муносабатини қўлладик, бунга асосан ушбу симптом эҳтимоллиги бор беморларда кўп кузатилади

Худди шундай натижа касаллиги мавжуд бўлмаган беморларда кузатилади.Тўғри ёндашув кўрсатишича, соғломлардан ташқари беморларда ушбу симптомни олиш эҳтимоллиги бир неча марта юқори ( паст)лигини кўрсатади.Хисобни таҳлилига асосланган ҳолда ясси хужайрали шохланмаган ўсмада нисбий ҳавф 0,54 ни ташкил этиб, имконият муносабати 0,44 бўлиб, қайталаниш ҳавфи пастрок, кам такомиллашган ўсмада ривожланиш ҳавфи 1 дан ортиб, ясси хужайрали шохланмаган ўсмада 2,39, аденокарциномада 5,5 марта, темир-ясси хужайрали ўсмада 6,8ни ташкил этади (6-жадвалга қаранг). Бачадон бўйни саратони морфологик шаклига боғлиқ ҳолда қайталаниш ривожланиш ҳавфи ва нисбий имконият.

Таъкидлашича, аденокарцинома ва бачадон буйни раки ясси хужайрали ўсмасида ривожланиш ҳавфи бир неча марта ортиб, қайталаниш ҳавфи бевосита бачадон бўйни саратони морфологик шаклига боғлиқ.

#### **6-жадвал**

#### **Бачадон бўйни саратонининг морфологик турига қараб қайталаниш ривожланишини хавфини ва нисбий имкониятини баҳолаш**

Ясси хужайрали мугузланмайдиган саратоннинг морфологик тури	Ривожланишни нисбий имконияти	Ривожданишни нисбий ҳавфи
	0,44	0,54
Ясси хужайрали мугузланувчи саратон	0,30	0,39
Паст дифференцирланган саратон	1,57	1,45
Аденокарцинома	3,00	2,40
Безли –ясси хужайрали саратон	3,46	3,00

Морфологик тузилиш структураси таҳлил қилинишича, асосий гуруҳнинг кўпгина беморларда ўсманинг ёмон прогнози мавжуд бўлиб, нур билан даволашга турғунлиги бўлиб, эрта тарқалган гематоген ва лимфоген метастазлашганлиги билан характерланади.

Яхши сифатли экзофит шакли 12,5% беморларда; ёмон сифатли эндофит ва аралаш 87,5% асосий гуруҳда ташхисланган.

Эндофит шакли билан беморларда қайталаниш ҳавфи -5,44 ҳавф-2,33, аралаш шакли 1,48 ва 1,40ни ташкил этади (7-жадвалга қаранг).

**7-жадвал**

**Саратон ўсиш турига боғлиқ қайталаниш ривожланишида нисбий имконият ва ҳавф омиллари**

Ўсиш тури	Ривожланишни нисбий имконияти	Ривожланишни нисбий ҳавфи
Экзофит	0,25	0,43
Эндофит	5,44	2,33
Аралаш	1,48	1,40

Саратонни қўшни тўқималарга тарқалишининг барча кўрсаткичларининг нисбий имконияти ва ҳавфи 1 дан ортиқ, бу шундан далолат берадики, қайталаниш ривожланиши саратон тарқалишига боғлиқдир. энг юқори қайталаниш ҳавфи қиннинг пастки учдан бир қисми метастазларида кузатилади- 9,0, имконият- 10,01. Иккинчи ўринда эса парааортал лимфа тугунлари метастатик зарарланишитуриб, нисбий имконият – 3,74 ва қайталаниш ривожланишини нисбий ҳавфи - 3,50.

Қайталанишни энг паст ҳавф кўрсаткичи ёнбош лимфа тугунлар метастатик зараланиши – 1,13, имконият – 1,19. Лекин шуни назардан кочирмаслик керакки, ўсмани қўшни тўқималарга тарқалиши бачадон бўйни саратонини қайталаниш маркерларидан бири ҳисобланади(8-жадвалга қаранг).


**8-жадвал**

**Ўсмани қўшни тўқималарга тарқалишига қараб қайталанишни нисбий ҳавфи ва имконияти**

Ўсма тарқалиш хусусияти	Ривожланишни нисбий имконияти	Ривожланишни нисбий ҳавфи
Қинга тарқалиши	1,51	1,19
Бачадон бўйнига тарқалиши	3,27	1,59
Ёнбош лимфа тугунлари метастатик зарарланиши	1,19	1,13
Парааортал лимфа тугунлари метастатик зараланиши	3,74	3,50
Қинни упастки учдан бир қисмини зарарланиши	10,01	9,0

Қайталанишни юқори прогностик омиллари ёмон сифатли ўсиш потенциясига ва ўсманинг ўз хужайраларининг биологик тузилишига , ўсманинг морфологик турларига, ўсиш тезлигига, тарқалишига ва ҳажмига боғлиқ бўлади. Бачадон бўйни саратонинг II, III, IV босқичи билан оғриган беморларни 160 нафарида ушбу кўрсаткичлар аналитик тадқиқот қилиб текширилди ва қўшма нур терапияси ўтказилди. Ясси хужайрали саратонни яхши сифатли турини дифференцировка қилинганда-ясси хужайрали

мугузланмайдиган саратон ҳисобланиб, экзофит хусусиятда ўсиб, қиннинг юқори учдан бир қисмини эгаллаб, ҳажми 50 см<sup>3</sup>гача кузатилиши – қайталанишни паст кўрсаткичи ҳисобланади.



## **5-расм. Бачадон бўйни саратонида қўшма нур терапияси олганда қайталанишни башоратлаш алгоритми**

Бундай ҳолатларда беморларга умумқувватловчи терапия тавсия қилинади: иммунотерапия, антианемик терапия, витаминотерапия, 5 йил давомида ушбу беморларда рецидив кузатилмади. Ушбу ҳолатда бачадон бўйни саратонини қайталаниш кўрсаткичи энг юқори (92,0%)ни ташкил қилади. Ясси хужайрали мугузланувчи бачадон бўйни саратонида аралаш ўсишида бачадон танасига ёки парааортал лимфа тугунларига метастаз берганда ва ўсма ҳажми 51 см<sup>3</sup> до 100 см<sup>3</sup> бўлганда қайталаниш ҳавфи кам фоизда кузатилади. Бундай ҳолатларда беморларга умумқувватловчи терапия ва ПХТ курси тавсия этилади. Қайталанишни энг юқори ҳавфи безли –ясси хужайрали турига хос ва ёмон сифатли ўсиш эса – эндофит турига хос ҳисобланади. Тарқалиши: қин пастки учдан бир қисми ва парааортал лимфа тугунлар метастатик зарарланиши прогностик режада энг ёмон натижа берувчи жихат шуки даволашдан олдин ўсма ҳажми 101 см<sup>3</sup>дан юқори бўлмаслигидир. Бундай беморлар узок яшашмайдилар. Агар бундай беморларда рецидив кузатилса паллиатив нур терапия модификатор билан қабул қилиш тавсия қилинади. Мустақил нур терапия ББС қайталаниши ва метастазлари ривожланишида паллиатив характерида бўлиб, РОД ва СОДни эскалациясисиз резерв тўқималар толерантлиги ҳисобига кузатилиб, бачадон бўйни саратонининг барча тури ва формаси ривожланиши комплекс терапияга кўрсатма бўлади.

Қайталанишни эрта прогноз қилиш алгоритми амалиёт врачига бошқа қўшимча текширувларсиз терапияни ўз вақтида коррекция қилишга ёрдам беради, рецидив ривожланиши олдини олиб бораишга қартилган. Бачадон бўйни саратони қайталанишини олдини олиш учун қўшма нур терапияси қўллашдан олдин кузатув терапиясини ўтказиш керак. Беморларга иммун статусни коррекцияловчи, камқонликка қарши ва витамин терапия ўтказиш керак. Ёмон сифатли ўсма гистологиясини (аденокарциномани), ўсма ҳажми ва хусусиятини қўшма нур терапиясини монокимиотерапия ёки ПХТ курси билан режалаштиришни ҳисобга олиш керак. Агар ўсма ҳажми жуда катта бўлса СОД -30 Гр қўллагандан сўнг брахитерапия бошлаш мумкин, бу ўсма регрессиясига олиб келади.

Қайталанишлар учрашини камайтиради, бу эса бачадон бўйни саратони билан оғриган беморларни ҳаёт тарзини ва даволаш жараёнини яхшилайдди.

Ушбу тадқиқот иши бачадон бўйни саратони билан касалланган беморларда қайталанишни диспансер назорат қилишни ташкиллаштиришда катта аҳамиятга эга.

## **ХУЛОСАЛАР**

«Қўшма нур терапиясидан кейин бачадон бўйни саратонини қайталанишига таъсир этувчи омиллар» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Аниқ рецидивланиш прогностик омиллари, ёмон сифатли ўсиш потенциални акс эттириб ва ўсма хужайрасининг биологик хусусиятига таъсир этиб ўсманинг морфологик шакли, унинг тарқалиши ўсманинг ўсиши ҳисобланади.

2. Касалликнинг ривожланишидаги хавф прогностик аҳамияти рационал клиник ҳулоса қабул қилиш учун тиббий маълумотни критик баҳолаш имконини беради. Ясси хужайрали шохланмаган ўсмада, экзофит ўсишида қиннинг юқори қисмига ўсиши ва ўсма ҳажми  $50\text{см}^3$ , оқибати - рецидивланиш хавфи камроқ.

3. Бачадон ясси хужайрали шохланган ўсмаси, ўсма аралаш турида бачадон танасига тарқалиши ёки параортал лимфа тугунларининг метастатик зарарланиши ва ўсма ҳажми  $51\text{см}^3$  дан  $100\text{см}^3$  гача бўлиб рецидивланиш хавфи ўртача. Юқори хавф рецидивланиш, бачадон бўйни ясси хужайрали ўсма билан бўлган беморларга ёки ёмон сифати билан аденокарциномага хос эндофит ва ҳажми  $101\text{см}^3$  дан юқори.

4. Нур билан даволаш билан биргаликда бачадон бўйни раки билан беморларда рецидивланишини прогностлаш алгоритмини ишлаб чиқиш, кейинги даволашни тўғри танлаш ва ўз вақтида профилактик чора-тадбирлар олиб бориш имконини беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ ПО  
ПРИСВОЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.04/30.12.2019 Tib.77.01  
ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ ОНКОЛОГИИ И РАДИОЛОГИИ**  

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ОНКОЛОГИИ И  
РАДИОЛОГИИ**

**МАНСУРОВА ГУЛИ БАХАДИРОВНА**

**ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА РЕЦИДИВИРОВАНИЕ РАКА ШЕЙКИ  
МАТКИ ПОСЛЕ СОЧЕТАННОЙ ЛУЧЕВОЙ ТЕРАПИИ**

**14. 00. 19 – Клиническая радиология**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА(PHD) ФИЛОСОФИИ**

**ТАШКЕНТ – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.4.PhD/Tib1095**

Диссертация выполнена в республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.cancercentr.uz](http://www.cancercentr.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Тилляшайхов Мирзагалеб Нигматович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Зарединов Дамир Арифович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Султанов Саидазим Насырович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Бухарский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04.12.2018.Tib.77.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии. Адрес: 100174, г.Ташкент, ул.Фаробий, 383 дом. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии (зарегистрирована за № \_\_\_). Адрес: 100174, г.Ташкент, ул.Фаробий, 383 дом. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2021 года).

**М.А. Гафур-Ахунов**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

**А.А. Адилходжаев**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

**М.Х. Ходжибеков**  
Председатель научного семинара при научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным ВОЗ «... ежегодно более 270 000 женщин умирают от рака шейки матки, и 85% этих случаев смерти приходится на страны с низким и средним уровнем дохода<sup>3</sup>». По данным Международной Федерации акушеров и гинекологов более 25% женщин умирают от прогрессирования заболевания на первом году после лечения, что обусловлено первичной неизлеченностью опухоли, или в результате возникновения регионарных и отдаленных метастазов.

Рак шейки матки (РШМ) является актуальной проблемой в связи с высокой заболеваемостью, тенденцией ее роста у женщин репродуктивного возраста и поздней обращаемостью. В результате недостаточно эффективного хирургического и/или лучевого воздействий на первичную опухоль у 10-40% пролеченных больных возникают местные рецидивы, а у 35% – отдаленные метастазы. По частоте отдаленного метастазирования у больных РШМ первое место занимают метастазы в парааортальные лимфатические узлы (31,2%), второе – легкие (16,1%), третье – кости (12,9%).

На основе ретроспективного анализа особенностей локализации рецидивов у больных раком шейки матки доказано, что рецидивы заболевания в 36,2% случаев локализовались в параметральной и околоматочной клетчатке, у 23% больных - в области первичной опухоли, переход на тело матки отмечался у 11%, отдаленное органное метастазирование наблюдалось в 21,4% случаях, а в регионарных лимфоузлах - в 8,7%.

